ISSN:2181-0427 ISSN:2181-1784

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ

НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА

2021 йил 9-сон

55 **Farida afro'z poetik asarlarida omonimlardan foydalanishning o'ziga xosligi**
Mamajonov A.B, Xusanova M.A 297
56 **Матнни ташкил этувчи бирликлар**
Shodiyev I 301
57 **Argo lingvistik hodisa sifatida**
Rahimova Z.Sh 304
58 **Фольклорда эпик кўмакчи образининг моҳияти ва ўрни**
Ахмедова С.Ҳ 310
59 **К вопросу об адекватности перевода религиозной терминологии в «Бабурнаме»**
Алтмишева Ё.М 314
60 **Адабий меъёр ва бадиий нутқ**
Умуркулов Б 321
61 **Muqimiyning "Surating" g'azali matni ustida ishlash**
Abdurahmonova B 326
62 **Odil Yoqubov romanlarida qahramon nutqi (Monolog) ichki dunyo ifodasi o`rnida**
Ergasheva D. A 332
63 **Соф қиёс ифодаланишининг синтактик имкониятлари**
Умуркулов З. Б 337
64 **Эпонимлар шаклланиши ва ўзига хос хусусиятлари**
Зиёдуллаев А.Р 343
65 **"Ота Горио" романида тарихий ҳақиқат ва адабий таҳлил**
Тоирова Д.Ф 349
66 **Қутадғу Билиг" асарида эр ва эран образи такомили ҳамда комиллик талқини**
Жўракулова Н.Ш 359
67 **Тони моррисон ижодида мистиканинг акс этиши**
Муҳаммедова Н.Э 363
68 **Аҳмад Яссавий ижодида маломатийлик маслаги ва талқинлари**
Саидова Р 367
69 **Аҳли Фано ва фақр муршиди**
Раҳмонова З 371
70 **Rus tilida kompyuter leksikada boshqa tillardan kelgan so'zlarni derivatsion potensiali**
Sirazetdinova L.A 376
71 **Jurnalistika funksiyalariga doir masalalar xususida**
Madolimov H.Sh 379
72 **Адибалар насри тадрижи инглиз адабиёти мисолида**
Муҳаммедова Х.Э 385
73 **Innovation culture and some challenges**
Niyozova Y.T 390

"ҚУТАДҒУ БИЛИГ" АСАРИДА ЭР ВА ЭРАН ОБРАЗИ ТАКОМИЛИ ҲАМДА КОМИЛЛИК ТАЛҚИНИ

Жўракулова Насиба Шамуровна
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети магистранти
Тел: 90 963 31 49 e-mail: Nasibazhurakulova@gmail.com

Аннотация: *Мазкур мақолада "Кутадгу билиг" асаридаги эр ва эран образининг бадиий мазмун-моҳиятига алоҳида эътибор қаратилган. Шунингдек, асарнинг бу истилоҳлар қўлланилган ўринлари мазмунан таҳлил қилинган. Шу билан биргаликда, эр ва эран образларининг асар моҳиятини англашдаги аҳамияти парчалар ёрдамида далилланган.*

Калит сўзлар: *Эр, эран, тугал эр, жавонмард, валий, элиг, футувват.*

РАСКРЫТИЕ ДОСТОИНСТВА И РАЗВИТИЕ ОБРАЗОВ ЭРА И ЭРАНА В ПРОИЗВЕДЕНИЕ "КУТАДГУ БИЛИГ"

Журакулова Насиба Шамуровна
Магистрант Ташкентского государственного университета узбекского языка и литературы имени Алишера Навои
Тел: 90 963 31 49 e-mail: Nasibazhurakulova@gmail.com

Аннотация: *В данной статье особое внимание уделено художественному раскрытию образов эра и эрана в произведение "Кутадгу билиг". А также, содержательно анализированы места приминание терминов произведения. Вместе с тем с помощью отрывок доказано значение образов эра и эрана в понимании сути произведения.*

Ключевые слова: *Эр, эран,достойный человек, святой, мужественный, властитель, пути мужества.*

THE IMAGE OF MAN AND MEN DEVELOP IN THE WORK OF "KUTADGU BILIG" AND IMPERFECTION

Jurakulova Nasiba Shamurovna
Master's degree Tashkent state university of uzbek language and literature named Alisher Navoi
Tel: 90 963 31 49 e-mail: Nasibazhurakulova@gmail.com

Annotation: *In the work "Kutadgu bilig" man and menare paid attention especially to the artistic interpretation of the image in this article. Also in the content of the places where these invasions of the work were applied analyzed.*

Keywords: *Man, brave, king, scientist, courage, courage way.*

Юсуф Хос Ҳожиб қаламига мансуб илк туркий достон "Қутадғу билиг" адабиёт тарихида комиллик талқинини янги босқичга олиб чиққан дидактик-маърифий асар ҳисобланади. Юсуф Хос Ҳожиб асарнинг асосий воқеаларига ўтишдан олдин билим олишга интилиш фазилати ҳақида ёзар экан, ўқув ва идрок соҳиби қилиб яратилган ҳазрати инсон ўз мақомига лойиқ умр кечириши учун, энг аввало, маърифат эгаси

бўлиши кераклигини алоҳида таъкидлайди. Мана бу мисраларда муаллиф билим ва маърифатни улуғ билган инсонларни Эр деб атайди:

Укуш болса эркэ кор асғы окуш,
Билиг билсэ отру болур Эр кошуш[2,84].

Заковатли эрнинг жамият учун фойдаси тенгсиздир, мана шу хислати туфайли Эр элда азиз ва мукаррам бўлади. Муаллиф Аллоҳ таоло кўнгил, равон тил, андиша, хусну хулқ, билим ва идрок ато этиш учун одамни танлаганини айтар экан, бу неъматларга соҳиб бўлган инсон бор қувватини эзгулик уланишига сарфлаши лозимлигини эътироф этади. Заковат ва ақлда беназир инсонлар Эр, дея аталишини айтиб, эрлик тушунчаси ҳақида аниқ тасаввур пайдо қилади:

Каю ерда бўлса ўқуш бирлэ ог,
Ани Эр атағыл, неча огса ог[2,336].

Юсуф Хос Ҳожиб билим ва заковат саодати тўғрисида баҳс юритиб, ҳар бир хайрли иш шу хислатлардан бошланишига урғу беради. Тадқиқотимиз учун аҳамиятлиси, ушбу илк туркий достонда туркий эр лафзининг истилоҳ даражасида қўлланишидир. Ирфоний-бадиий адабиётнинг бош образи комил инсон мазмун-моҳиятини ёркин ифодалашда эр калимаси баъзи аниқловчилар билан келтирилади. Кўриниб турибдики, илк туркий достондаёқ эр, эран ўзининг муҳим ўрнига эга образга айланди. Эр, эран гоҳ руҳий юксакликка кўтарилган шахс, гоҳ мана шундай улуғ зотлар фазилатини акс эттирувчи сифатлаш бўлиб келади. Асарда "Тугал Эр" ташбеҳи қўлланилади. Бу ташбеҳ камолотга етган эр, комил инсон маъносини беради. "Қутадғу билиг"гача бўлган туркий адабиётда комил инсон маъносини берувчи бундай сифатлашни учратмаймиз. Қадимги ёдгорликларда эр, эран аксар етук шахс, мард кишилар маъносида ишлатилган. "Қутадғу билиг"да эса эрнинг тугал сифатловчиси билан қўлланилиши образ моҳиятининг янада мукаммаллашиб, турли ташбеҳлар билан бойиганлигидан далолат беради:

Ажун тутғуқа эр уқуш билсэ кэд,
Будун басғуқа эр билиг билсэ кэд.
Бу экки бириксэ болур эр тугэл,
Тугэл эр ажунуг тамам йэр тугэл[2,94].

Яъни, давлатни идора қилиш учун заковатли ва маърифатли эр керак, агар бу икки хислат бир инсонда жамланган бўлса, у тугал эрдир. Адабиёт тарихида қанча бадиий асар яратилган бўлса, ҳар бирида ёзувчи ўз дунёқараши, ақл-идроки даражасида етук шахс сиймосини яратишни мақсад қилади. Комиллик сифатлари баъзан бир образда жамланса, баъзида бир неча қаҳрамонлар ботинига сингдириб юборилади. Нега инсон камолот томон интилаверади, комиллик хислатлари бадиий асарларда нима учун такрор-такрор таъриф қилинаверади? Аллоҳ таоло Қуръони Каримда шундай иноят қилади: ***"Албатта, Биз бу омонатни (яъни шариати Исломиядаги тоат-ибодатларни) осмонларга, ерга ва тоғу-тошларга кўндаланг қилган эдик, улар уни кўтаришдан бош тортдилар ва ундан қўрқдилар. Инсон эса уни ўз зиммасига олди." (Аҳзоб - 33:72)[1].*** Демак, Яратган сифатлари ҳақида фикр қилиш ва ибодатда қоим бўлиш саодати борлиқлар орасида ёлғиз инсонга берилди. Шу боис инсон азизу мукаррам бўлди, лекин бу мақомга лойиқ яшаш ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Юсуф Хос Ҳожиб комиллик асосини билим ва заковатда деб ҳисоблар экан, зоҳир ҳамда ботин илми

муштараклигини назарда тутади. Шунинг учун ҳам билимсиз кишиларни маънавий ўликлар, деб атайди:

Билигсиз киши барча иглиг болур,
Иглиг эмлэмэсэ киши тэрк олур[2,84].

Илму маърифатсиз киши бемордир, касал даволанмаса, киши завол топур, дейди муаллиф. Улуғ шоир наздида, ўлим қалбнинг завол топишидир. Киши гуноҳ ишлардан тийилмаса, нафсини жиловлаб турмаса, кўнглидаги қора доғлар кўпайиб, бора-бора қалбни бутунлай эгаллар экан. Кўнгил кирланиши маънавий ҳаётдан узилиш, руҳониятдан мосуво бўлиш, инсоний қиёфадан бутунлай айрилиш билан якун топади. Бу хасталик маърифатга интилиб яшаш билан даволанади. Юсуф Хос Ҳожиб билимли ва билимсиз кишиларни муқояса қилар экан, закий ва доно зотларни эр деб атайди, кўнгиллари хаста, жонлари ўлик кимсаларга нисбатан эса асло бу номни қўлламайди. Масалан:

Эрэтдэ қайу ул тугэл эр тегу,
Кони эрсэ қылқы ани эр тегу[2,122].

Демак, эр тўғри феъл-атвор эгаси, маърифат соҳиби, халқнинг ишончли сардори. Юсуф Хос Ҳожиб асарини тўрт устун асосида бунёд қилган: адолат, давлат, ақл-заковат, сабр-қаноат. Бу хислатлар инсоннинг кўрки, ҳаёт йўлидаги шамчироғи ҳисобланади. Муаллиф бу хислатларни тўрт қаҳрамон яшаш тарзи мисолида тавсиф қиладики, улар мукаммал инсонлар тимсоли, аниқ мақсад билан ҳаракатланаётган юксак хулқ эгалари сиймоси. Аҳамиятлиси, бу қаҳрамонлар асарда эр номи билан таърифланади.

Кунтуғди эл бошида турган ҳукмдор, билим-заковатда тенгсиз бек. Унинг биргина орзуси бор: давлатни адолат билан идора қилиш, халқ фаровонлигини таъминлаш. Бу йўлда унга бир маслаҳатгўй эр керакки, тили ва дили рост сўзласин, ишончли, ҳаққоний, қилмишлари тўғри бўлсин:

Қылумаз озум бу қамуг эл ишин,
Мэнэр эр кэрэк бир билир иш башын[2,122].

Шундай инсон топилди. У ҳукмдор орзу қилганидек жавонмард эр эди:

Быр Айтолды атлыг эр эрди йэтиг,
Эшитти бу жавыг этинди этиг.
Йузи корклуг эрди коруб коз қамар,
Сози йумшақ эрди тили туз тамар[2,126].

Шу ўринда Ойтўлдининг бек хизматига киришдан мақсади аниқ кўрсатилади: у илму ҳунарларни мукаммал эгаллаган ва бу заковатни халқ учун сарф этишдан умидвор. Тилидан ҳақиқат ёғиладиган, ростгўйлик мақомидан асло оғишмаган Ойтўлди амал-мартаба, шон-шуҳрат, мол-давлат илинжида эмас, унинг нияти халқ мушкулини осон қилиш, эзгу сиёсат юритиш. Ойтўлди шахсиятини тасаввур қилишда ушбу таъриф ғоятда муҳим:

Бу Айтолды айды эй элиг қуты,
Тапуг бирлэ хуш болды қуллуқ аты.
Атым қул, тапугчи кор, орнум қапуг,
Қылынчым кишилик бу қылқым тапуг[2,144].

Ойтўлдининг отим қул, ўзим хизматкор, ўрним эшик олди дейишида бандалик вазифасини тўлиқ англаб етган шахснинг иқрори бор. Инсон Яратганга қул, бу фоний дунёда яхшилик қилишга бел боғлаган хизматкор, қачон бу заминни тарк этишини

билмайдиган, доимо эшик олдида ҳушёр туриши лозим бўлган ҳожибдир. Бу ҳақиқатга етган зотлар валийлик даражасига эришади. Ойтўлди мана шундай муҳтарам эр, десак муболага бўлмайди. Ойтўлди элиг билан ўтказган суҳбатларидан бирида мол-мулкка қарамликнинг, дунёга ҳарисликнинг аянчли оқибатларидан сўз очади. Ва ўз фикр-қарашларини далиллаш мақсадида орифибиллоҳ – алп эрнинг ҳикматли сўзларидан иқтибос олади:

Мунар мәнзәту айды алп эр ачуқ,
Анин маъниси кор бу созкэ тануқ.
Торумэш нэн эрсэ йоқалгу турур,
Тортугли халиқ не қулса қулыр[2,158].

Ойтўлди ва Элиг яна бир суҳбатларида эзгулик саодати ҳақида фикр алмашишади ва Кунтуғди яхшилик қилиш эрлар йўли эканлигига алоҳида тўхталади:

Айа эдгу аймиш кони эр тили,
Кони эр тили урды созкэ улы.
Ким эдгу қылур болса эсиз болуб,
Тилэр-мэн эй эдга аны мен қулуб[2,190].

Яхшилик қилиш кўпчиликнинг қўлидан келади, аммо ёмонлик қилганга ҳам эзгулик улашиш тўғри эрнинг ишидир. Имом Ғаззолий ёзади: "Бир киши пайғамбаримиздан гўзал хулқлар ҳақида сўради. У зот дедилар: "Гўзал хулқ сен билан қариндошлик ришталарини узганларга кенгроқ ва раҳм-шафқатлироқ бўлишинг, сендан яхшиликни аяганларга яхшилик қилишинг ва сенга зулм ўтказганларни афв этишингдир"[3]. Юқоридаги байт айнан жавонмардлик ёхуд футувват маслаги ғояларини бир қадар акс эттиради. Маълумки, жавонмард – мард йигит маъносини англатиб, олижаноб хислатлар билан зийнатланмоқдир. Футувват йўли мардлик тариқати, деб ҳам юритилади. Зотан, бу маслакдагилар халқ озоридан кўз юмадиган, бошига мушкулот тушганларга ёрдам қўлини чўзадиган, ўз миллати, ор-номуси, шарафини ҳимоя қилиш учун жонини ҳам аямайдиган инсонлар бўлишган. Кунтуғди шу хислатларга эга бўлганларни кони эр деб атайди ва уларни шу қадар улуғлайдики, бундай инсонни кўришни орзу қилиб яшаётганлигини, агар учратса, унинг оёғи остида кун кечиришга ҳам тайёр эканлигини айтади. "Кони эр" фазилатлари жавонмардлар хислати билан жуда ўхшаш, жавонмард сўзининг маъноси ҳам алп эр истилоҳи билан айнандир. Бу таъриф достондаги эрлар тасвири билан айни бир маънони ифодалайди:

Эр ул эр турур кор кишилар осра
Йурыб тил кодэзсэ бу бўлса тор-э
Ириг созкэ йумшақ йанут қылса оз
Ачыг созлэсэлэр сучиг тутса соз [2,532].

Кузатишлардан маълум бўлдики, халқ оғзаки ижоди ҳамда XI асргача ёзилган адабий ёдгорликларда эр ва эран образлари мард, жасур, эл-юрт фаровонлиги учун оғишмай ҳаракат қиладиган, миллат манфаатини ўз тинчлигидан устун қўя олган етук шахслар сиймоси бўлиб келади. "Қутадғу билиг" асарида эса бу образлар маънан баланд мартабага эришган азиз зотларни тамсил этади. Ойтўлди эрлик сифатларини яққол акс эттирган образлардан. У нафсига ҳокимлик қила олиш рутбасига кўтарилган, бутун умрини эл хизматига бағишлади. Ойтўлди ҳукмдорга устоз бўлди, билганларини унга ўргатди. Кунтуғдининг вазир вафотидан кейинги хотира сўзи Ойтўлдининг элиг учун қанчалик қадрли зот бўлганлигидан далолат беради:

Сақынды кор Айтолды эрдэмлэри
Айур эй дарыга эрэндэ эри
Капуг корки эрди мэнэ эдгу иш
Будун асгы эрди анар тэгсэ иш[2,280].

Демак, "Қутадғу билиг" достонида Эр ва Эран образи комил инсон сиймосига берилган исм бўлиб, нафсоний истаклардан фориғ бўлган ориф зотлар номидир. Асарда инсоний фазилатлар соҳиблари асосан эр номи билан келади ва етук шахс маъносини ифодалайди. Эранлар шахсияти, эрлик йўли китобхонга намуна қилиб кўрсатилади. Бундай ифода усули кейинги давр адабиётига ҳам сезиларли таъсир кўрсатди ва нафси комила эришган Эр ва Эранлар тариқат адабиётида асосий образга айланди. Асарда эр-тўғри феъл-атвор эгаси, халқнинг ишончли сардори, ёмонлик қилганга ҳам яхшилик қилувчи хушхулқ инсонлар сиймоси бўлиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима / Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. – Т.: Тошкент ислом университети, 2001.
2. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Нашрга тайёрловчи: Қаюм Каримов. Масъул муҳаррирлар: С.Муталлибов ва Ш. Шукуров. -Тошкент: Фан, 1971.
3. Абу Ҳомид Ғаззолий. Мукошафатул-қулуб. Таржимон: М.Аъзам; Масъул муҳаррир: Шайх Абдулазиз Мансур. -Тузатилган қайта нашр.-Т.: "Шарқ", 2016. 403-б.
4. Юсуф Хос Ҳожиб. Қутадғу билиг. Абдуҳамид Пардаев табдили. Масъул муҳаррир Манзар Абдулхайр- Тошкент: Янги аср авлоди, 2020. -560 б.
5. www.kh-davron.uz. Haqqulov I. Navoiy she'riyatida Er va Eran obrazi. 22.03.2019.

ТОНИ МОРРИСОН ИЖОДИДА МИСТИКАНИНГ АКС ЭТИШИ

Муҳаммедова Нилуфар Элибоевна
Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети
Фалсафа доктори PhD, доцент
Тел: 99 866 59 86 e-mail nilufarmuhammedova@yahoo.com

Аннотация: *Мазкур мақола мистик реализм йўналишига хос бўлган элементларнинг романда қай тарзда акс эттирилишини мисоллар орқали кўрсатади. XX аср америка адабиёти ёзувчиси Тони Моррисон ўз романларида мистик реализм элементларидан самарали фойдаланади. Адибанинг "Суюкли" романида мистиканинг турли тарзда акс этганини реал воқеалар фонида кўришимиз мумкин.*

Калит сўзлар: *мистика, рух, роман, ўтмиш, хусусият, афроамерика.*

ИЗОБРАЖЕНИЕ МИСТИКИ В ТВОРЧЕСТВЕ ТОНИ МОРРИСОН

Мухаммедова Нилуфар Элибоевна
Узбекский государственный университет мировых языков
PhD, доцент
Тел: 99 866 59 86 e-mail nilufarmuhammedova@yahoo.com

Аннотация: *Данная статья посвящена анализу магического реализма, представленные элементами мистики в литературном произведении. Американская писательница XX века*